

## ЖАҲОН ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Шукуров Илҳом Болтаевич

Бухоро давлат тиббиёт институти доценти

### АННОТАЦИЯ

*Мазкур мақолада глобаллашув жараёнининг замонавий таълим тизимига таъсири, тиббий таълим тизимини ислоҳ қилишининг асосий йўналишилари, олий тиббий таълим сифатини ошириши омиллари, шунингдек мамлакатимизда жаҳон таълим стандартлари асосида таълимни амалга оширишини тартибга соладиган меъёрий ҳужжатлар мазмуни таҳлил қилинган. Академ мобилликнинг мазмун моҳияти очиб берилган. Бухоро давлат тиббиёт институти мисолида академик мобилликни ривожлантириши борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилган.*

**Калит сўзлар.** Таълим, глобаллашув, янги Ўзбекистон, академ мобиллик, Болонья Декларацияси, жаҳон таълим стандарти.

## ОСНОВНЫЕ ФАКТОРЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ НА ОСНОВЕ МИРОВЫХ СТАНДАРТОВ ОБРАЗОВАНИЯ

Шукуров Илҳом Болтаевич

Доцент Бухарского государственного медицинского института

### АННОТАЦИЯ

*В данной статье анализируется влияние глобализации на современную систему образования, основные направления реформирования системы медицинского образования, факторы повышения качества высшего медицинского образования, а также содержание нормативных актов, регулирующих образование в нашей стране. Раскрывается понятие академический мобильность. Проанализирована работа, проводимая в Бухарском государственном медицинском институте по развитию академической мобильности.*

**Ключевые слова.** Образование, глобализация, новый Узбекистан, академическая мобильность, Болонская декларация, мировой образовательный стандарт.

## MAIN FACTORS FOR IMPROVING THE HEALTH SYSTEM ON THE BASIS OF WORLD STANDARDS OF EDUCATION

Shukurov Ilkhom Boltaevich

Associate Professor of Bukhara State Medical Institute

### ABSTRACT

*This article analyzes the impact of globalization on the modern education system, the main directions of reforming the medical education system, the factors for improving the quality of higher medical education, as well as the content of the regulations governing education in our country. The concept of academic mobility is revealed. The work carried out at the Bukhara State Medical Institute on the development of academic mobility is analyzed.*

**Keywords.** Education, globalization, new Uzbekistan, academic mobility, Bologna Declaration, world educational standard.

### КИРИШ

Ўзбекистоннинг Европа ва жаҳон таълим маконига интеграцияси - глобаллашув жараёнининг кенг қамровли босқичига мос равища таълим тизимини ривожлантиришнинг долзарб йўналишларидан бири саналади. Тарихий тараққиётдан маълумки, Европа мамлакатлари учун Болонья декларациясининг қабул қилиниши билан тарихий жиҳатдан бошқача ривожланган таълим тизимларини ўзаро бойитиш учун ҳали тўлиқ амалга оширилмаган имкониятлар очилди.

Болонья жараёни 1998 йил 25 майда Сорбонна Университетининг 800 йиллигига бағишлиланган тадбирда Франция, Германия, Италия ва Буюк Британиянинг таълим вазирлари томонидан имзоланган Сорбонна декларацияси томонидан бошланган.

Давлатлар даражасидаги Болонья жараёни 1999 йил 19 июнда 29 та таълим вазирлари ўз ҳукуматлари номидан Болонья декларацияси деб номланган хужжатни имзолаши билан ташкил этилган. Болонья жараёнининг навбатдаги босқичи 2001 йил 19 майда Прагада бўлиб ўтди, у ерда 33 Европа мамлакати вакиллари Прага коммюникесини имзоладилар. Россия Болонья ташаббусига 2003 йил 19 сентябрда Берлин йиғилишида қўшилди.

Болонья Ҳамдўстлиги доирасида давлатларнинг бирлашиши дунёдаги глобаллашув жараёнининг натижаси бўлиб, Европада ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг долзарб шарти - мамлакатларни ажратиб турувчи ижтимоий-маданий тубсизликни йўқ қилиш зарурати бўлган эди. Ҳар қандай мамлакатда ҳар бир алоҳида шахснинг мослашувчанлиги ва муросага келишга

тайёргида боғлиқ бўлган ушбу жарликни енгиб ўтиш, жаҳон миқёсида мамлакатлар ўртасидаги ўзаро тушунишга ва уйғун ҳамкорликка эришишнинг калитидир.

Маданиятларо даражада ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур ваколатларга эга бўлган мутахассисни тайёрлаш вазифаси айнан жаҳон ҳамжамиятидаги ҳар бир мамлакатнинг юқори касбий таълими соҳасига тўғри келади. Бундай ҳолда, кўрсатилган муаммони ҳал қилиш усуллари, Европада, кейинчалик жаҳон таълим тизимида бир хил бўлиши керак.

Алоқа нуқталарини излаш, Европа даражасида ишлашга қодир юқори малакали мутахассисни тайёрлашнинг ягона стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиши учун миллий таълим тизимлари тажрибасини бирлаштирган расмий ҳужжат ғояси пайдо бўлди. Болонъя жараёни Европада ва дунёда олий маълумотни бирлаштиришга интилади ва хилма-хилликнинг асосий тамойилларига ҳурматни назарда тутади.

Болонъя декларациясининг асосий қоидалари:

- даражали маълумот - бакалавр, магистр;

- кредитларни жорий этиш - 30 дан 40 соатгача бўлган ўқув бирлигининг бухгалтерия ҳисоби, шу жумладан аудитория ва мустақил ишларни, ҳафтада талабанинг илмий ишига тенг ҳажм;

- талabalар ва ўқитувчиларнинг мобиллиги;

- таълим сифатини назорат қилиш.

Мамлакатимизда таълим соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилиб, ҳуқуқий база кенгайтирилмоқда [1-8].

Ўзбекистон давлати ҳам айнан Болонъя Декларацияси талблари асосида замонавий таълимни ташкил қилишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Олий таълимни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида мамлакатимиз олий ўқув юртларини босқичма-босқич кредит-модуль тизимиға ўтказиш кўрсатиб берилган. Мамлакатимизда миллий тиббиёт таълимини модернизация қилиш, ушбу соҳага халқаро таълим стандартларини жорий этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишининг долзарб муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, таълим олаётган ёшларга маънавий-ахлоқий тарбия беришнинг самарали тизимини яратиш бўйича изчили чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

## **МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Таъкидлаш жоизки, тиббиёт таълим сифатини янада ошириш, энг яхши халқаро амалиёт даражасидаги олий ва ўрта-маҳсус, касбий тиббиёт таълим тизимини шакллантириш, тиббиёт хизмат даражасини ошириш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли Қарори қабул қилинган эди.

Мазкур ҳужжат тиббий таълим сифатини янада ошириш, босқичма-босқич равишда энг яхши халқаро амалиёт даражасидаги олий ва ўрта-маҳсус, касбий тиббий таълим тизимини шакллантириш, тиббий хизмат даражасини ошириш мақсадида қабул қилинди. Ушбу қарорда қуйидаги вазифалар кўрсатиб берилган эди:

- тиббий таълим муассасалари, шунингдек ОТМдан кейинги таълим тизими, мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг услугий бошқаруви орқали тиббий кадрларни тайёрлаш соҳасида норматив-хукуқий базани такомиллаштириш;

- олий ва ўрта маҳсус профессионал тиббий таълим, малака ошириш учун давлат таълим стандартлари ва талабарини ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;

- соғлиқни сақлаш мутахассисларини қайта тайёрлаш, шунингдек олий тоифали илмий-педагогик тиббий кадрларни тайёрлаш;

- ўқиши даврида профиль ва ихтисослашган предметлар, клиник таълим тажрибаси бўйича ўқув машғулотларини кенгайтириш ҳисобига тиббий таълим муассасаларида таҳсил олувчи ўқувчи ва талабаларнинг назарий ҳамда амалий тайёргарлигини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмuinи амалга ошириш;

- тиббиётни ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари бўйича илмий-тадқиқотларини ўтказиш учун профессор-педагоглар таркиби, бакалавр ва магистратура талабалари ҳамда клиник ординаторларни кенг жалб қилиш шулар жумласидандир.

Мазкур ҳужжат қабул қилинишидан мақсад - тиббий таълим сифатини ошириш, олий ва ўрта маҳсус профессионал тиббий таълим тизимини энг яхши халқаро тажрибалар даражасида босқичма-босқич шакллантириш, тиббий ёрдам сифатини оширишдан иборатdir.

Таълим жараёнини замон талаблари асосида ташкил қилиш, рақобатбардош кадр тайёрлаш тизимини тўғри йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қуйидаги ҳукуқлар берилди:

- белгиланган тартибда давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, ўқув жараёнини амалиёт ва илғор халқаро тажрибага интеграциялашувини таъминлашни инобатга олган ҳолда тиббиёт ва фармацевтика кадрларини

тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз касбий таълим тизимининг малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув дастурларини тасдиқлаш;

➤ тиббиёт ва фармацевтика таълими йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мустақил равишда таклифлар киритиш;

➤ фақатгина ўқув ва амалиёт характерига эга чора-тадбирлар бўйича иш вақтини ҳисобга олишга таянган ҳолда тиббиёт ва фармацевтика таълим мининг (шу жумладан, кредит-модулли ўқитиш тизими шароитида) ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат меъёрларини белгилаш, шунингдек, педагогик ходимлар томонидан илмий-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларнинг бажарилишини рағбатлантириш;

➤ узлуксиз касбий таълим тизимида тиббиёт ва фармацевтика кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари устидан ягона ташкилий ва ўқув-услубий раҳбарликни таъминлаш;

➤ ўқитишнинг умумий харажатларидан келиб чиқсан ҳолда, клиник ординатура (резидентура)да тўлов-контракт асосида ўқитиш нархи миқдорини белгилаш.

Тиббий билим олиш имкониятларини жаҳон стандартларига мос яратиш мақсадида тиббиёт олий таълим муассасаларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан таъминланувчи анатомик морглар, ўқув-биологик лаборатория (виварий)лар ва илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш; Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва тиббиёт олий таълим муассасаларида ўқув-симуляцион марказларни ташкил этиш белгилаб берилди.

Халқаро ҳамкорлик Бухоро давлат тиббиёт институти фаолиятининг ажralmas қисми ва таълим сифати ҳамда унинг халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашда муҳим восита ҳисобланади.

Институт халқаро фаолияти Ўзбекистон олий таълим тизимидағи обў-эътиборини оширишга ва жаҳон таълим маконида янада ривожланишга қаратилган.

Ушбу фаолият чет элнинг етакчи университетлари билан ҳамкорлик дастурлари, халқаро таълим дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш, қўшма илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш, илмий-амалий семинарлар ва конференцияларни ташкил этиш, профессор-ўқитувчилар таркиби алмашинуви ва талабалар мобилигини ривожланитириш доирасида амалга оширилади.

Бухоро давлат тиббиёт институти кўплаб хорижий университетлар ва Осиё, Европадаги халқаро ташкилотлар билан барқарор алоқаларни олиб бормоқда. Халқаро фаолиятнинг устувор йўналишларидан бири бу МДҲга аъзо давлатларнинг университетлари билан ҳамкорлик қилишидир. Россия Федерацияси, Қозогистон, Озарбайжон, Молдова, Туркманистон, Тожикистон, Белорусия ва бошқалар университетлар билан ҳамкорлик шартномалари тузилган. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда институт кўплаб бошқа олий ўкув юртлари, тадқиқот марказлари ва Европа, АҚШ ва Осиёдаги компаниялар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқда.

Бухоро давлат тиббиёт институти таълим хизматларини алмашиш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Халқаро алоқалар институт томонидан хорижий ҳамкор университетларнинг етакчи мутахассислари иштирокида халқаро илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра сұхбатларини ташкил этиш ва ўткизиш фаол амалга ошириб келинмоқда.

Бухоро давлат тиббиёт институти хорижий университетлар, илмий марказлар ва клиникалар билан 150 дан ортиқ ҳамкорлик шартномаларига эга.

Институтда академик мобилликнинг мақсади сифатида қуидагилар белгиланган:

- таълим сифатини ошириш;
- таълимнинг янги шакллари ва технологияларини жорий этиш;
- халқаро таълим тизимида иштирок этиш;
- битирувчиларнинг халқаро меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш;
- таълим бозорида институтнинг нуфузини ошириш.

Талабанинг халқаро академик мобилликда иштирок этиш имконияти масаласини кўриб чиқиш талабанинг ректор номига ёзган шахсий аризасида амалга оширилади.

Халқаро академик мобилликни амалга ошириш мумкин:

- Давлатлараро келишув бўйича;
- Халқаро илмий ва таълим фаолияти дастурлари доирасида тузилган шартномалар, грантлар, лойиҳалар бўйича;
- Чет эл таълим, илмий ва жамоат ташкилотлари, конференция ташкилий қўмиталари ва бошқаларнинг шахсий таклифномалари билан;
- Талабанинг ўз ташаббуси билан.

Халқаро академик мобилликни молиялаштириш қуидаги амалга оширилади:

- давлатлараро шартномаларда кўзда тутилган маблағлар ҳисобига;

- Илмий ва таълим фаолиятида ҳамкорлик дастурлари доирасида тузилган шартнома, грант ёки бошқа шартномада кўзда тутилган мақсадли молиялаштириш ҳисобига;

- Ривожланиш дастури маблағлари ва таълим учун субсидиялар ҳисобига;
- Талабани ўқишга қабул қиласидиган хориж университети ҳисобидан;
- манзилли хайрия ёрдами ҳисобига;
- хориж университетига ўқишга юборилган талабанинг шахсий маблағлари ҳисобидан.

Академик мобиллик - бу талабалар ёки ўқитувчиларни маълум бир академик давр мобайнида бошқа олий ўкув юртига, мамлакат ичида ёки чет элда ўқитиши ёки илмий тадқиқотлар ўтказиш учун кўчириш қобилиятидир [9].

Институтдаги академик мобиллик икки асосий йўналишда амалга оширилади:

- Бухоро давлат тиббиёт институтининг ҳамкор университетларида талабаларни ўқитиши;
- чет эл университетларида малака ошириш.

Мобиллик дастурлари ҳамкор университетлар ўртасидаги келишувлар доирасида амалга оширилади.

Академик мобиллик талабалар, магистрантлар, ёш олимларга чет элларда яшаш, ўқиш, ишлаш, малака ошириш, бошқа маданиятни ўрганиш, турли шаҳарлар, мамлакатлар, қитъалардан дўстлар орттириш имкониятини беради.

Академик мобиллик дастурларида ўқиш:

- институт талабаларининг ва магистрантларининг чет тилини билиш даражасини ошириш;
- назарий билим ва амалий кўникмаларни чуқурлаштириш;
- мамлакат билан яқиндан танишиш;
- ўзбекистонликларининг чет эллик тенгдошлари билан танишиш имконини беради.

Академик мобиллик - бу олий маълумотни байналмилаллаштириш ва университетларнинг халқаро таълим маконига интеграциялашув жараёнларининг муҳим таркибий қисмларидан биридир.

Академик мобиллик халқаро дастурлар доирасида турли мамлакатлар ҳукуматлари кўмаги билан, шунингдек давлатлараро, идоралараро ва университетлараро келишувлар асосида амалга оширилади.

Талабалар алмашинуви, қоида тариқасида, Бухоро давлат тиббиёт институти ва хорижий университетлар ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳар бир келишувда мавжуд бўлиб, ҳамкор университетларда асосий семестрда ёки

тегишли мутахассислик бўйича 1-2 семестрда ўқиши, талабалар гурухларининг маданий-маърифий амалиёти учун қисқа муддатли алмашинувини, шунингдек магистрантлар ва аспирантлар учун амалиёт ўташ мумкин.

Замонавий глобал муаммоларни тушунишга ёрдам берадиган ва бошқа маданият вакилларига нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлиш зарурлигини асослайдиган анъанавий бирдамлик ва шериклик тамойиллари Ўзбекистон таълими учун жуда муҳим ҳисобланади.

Бухоро давлат тиббиёт институтида академик мобилликни ривожлантиришнинг устувор вазифалари қўйидагилар:

1. Ички мобилликни ошириш;
2. Ташқи мобиллик сифатини таъминлаш;
3. Чет элда таълим олиш сифатини таъминлаш.
4. Кўп тилли таълим тамойилларини амалга ошириш (ўзбек, рус, инглиз ва бошқа чет тилларини муттаносиб равишда ўқитиш; тил ва маданиятни биргаликда ўрганишга асосланган ўқув курслари ва ўқув дастурлари);
5. Институтнинг хорижий ҳамкор университетлар ва халқаро ташкилотлар билан бевосита алоқаларини кенгайтириш.

Бухоро давлат тиббиёт институти Германия, Буюк Британия, Испания, Чехия, АҚШ, Канада, Россия ва бошқа хорижий университетлар билан 150 дан ортиқ ҳамкорлик меморандумларини амалга оширмоқда. Институтнинг хориж олий таълим муассасалари билан тузилган барча шартномаларида академик мобилликни ташкил этиш тўғрисидаги банд мавжуд.

Талабаларнинг академик мобиллигини амалга оширишнинг асосий усули семестрлик академик мобилликдир.

Бухоро давлат тиббиёт институтида талабаларнинг академик алмашинуви амалиёти ўз географиясида ҳам, мобиллик дастурларида қатнашадиган талабалар сонида ҳам тез суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Яқин ва самарали ҳамкорлик ҳамкор институтларнинг талабалар мобиллигини қўллаб-куватлашга ёрдам беради. Ҳар йили талабаларимиз семестр давомида ҳамкорларимиз томонидан ўқиш учун грантлар оладилар:

- И.П.Павлов номидаги Биринчи Санкт-Петербург давлат медицина университети;
- Вена медицина университети;
- Гюльхане соғлиқ билимлари университети;
- Korean Medicine Service Team Abroad (KOMSTA)
- Она ва бола муҳофазаси институти (Прага-Подоли)

- Medical University of Gdansk ва бошқалар.

Маданиятларо алмашинувнинг тажрибасини эгаллаш, чет тилини билишни такомиллаштириш нафақат Бухоро давлат тиббиёт институти талабаларини чет элга юбориш, балки чет эллик талабаларни мазкур институтга ўзбекистонлик талабалар билан аралаш гурӯҳларда ўқишига таклиф қилиш орқали ҳам амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, мобиллик доирасида хориждан, жумладан Ҳиндистондан кириб келаётган чет эллик талабалар Бухоро давлат тиббиёт институти жамоат ҳаётининг фаол иштирокчиларига айланишмоқда. Ўз хоҳишлири билан театр, "Интернационал" рақс ансамбли, талабалар спортининг намойишларида иштирок этмоқдалар.

Кўшма таълим дастури – бу икки (ёки ундан кўп) ҳамкор университетлар томонидан ишлаб чиқилган ва амалга ошириладиган, дастурни муваффақиятли ўзлаштирган битирувчиларга икки (ёки ундан ортиқ) университетларнинг биргаликдаги (икки ёки ундан ортиқ) даражалари (малакалари), олий таълим тўғрисидаги тегишли хужжатларни (дипломлар, сертификатлар) бериш ҳисобланади.

Олий таълим муассасасининг жозибадорлигини таъминлаш, жаҳон рейтингида муносиб ўрин эгаллаш, мобиллик дастури асосида ҳамкорликни ривожлантириш, албатта, раҳбар кадринг илмий салоҳияти, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокига боғлиқдир.

Раҳбар бошқараётган олий таълим муассасида:

- ҳамкорлик дастурларида фаол иштирок этаётган муносиб кадрларни лавозимларга қўтариши;
- Эришилган натижалар, ютуқларни рағбатлантириши;
- Раҳбар ва ходим ўртасида вазифалар жиҳатидан бўлган фарқланишни камайтириши;
- Профессор-ўқитувчилар малакасини оширишга жуда катта эътибор қаратиши лозим.

Бухоро давлат тиббиёт институтида мобиллик дастурини амалиётга қўллаш борасида стратегик вазифаларни ишлаб чиқиши, амалга ошириш борасида тизимли тадбирлар белгилаб олинган.

Жумладан, академик мобилликнинг стратегик вазифалари:

1. Академик мобиллик воситаларини такомиллаштириш, чет эл талабалари учун институтни мобиллик маркази сифатида ривожлантириш, шу жумладан:

- мобиллик воситаларини жорий этиш бўйича халқаро меҳнат бозори талабларига мувофиқ, кўп даражали модулли таълим дастурларини кенгайтириш ва амалга ошириш;
- талабаларнинг академик мобиллигини янада ривожлантириш
- мобиллик учун барқарор молиялаштириш схемаларини яратиш;
- академик мобиллик мониторингини такомиллаштириш;
- таълим сифатини кафолатлаш учун чет эл агентликлари томонидан аккредитация қилинган таълим дастурлари сонини кўпайтириш;
- мобиллик доирасида академик ва хизмат кўрсатувчи хизматларнинг ўзаро алоқалари учун бошқарув тузилмаларини такомиллаштириш.

Ушбу вазифани бажариш механизми академик мобилликни ривожлантириш бўйича мавжуд бўлган ҳамкорлик шартномаларини тизимлаштириш, мобилликнинг мумкин бўлган йўналишларини аниqlашdir.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тадбирлар тиббий таълим сифатини ошириш, олий ва ўрта маҳсус профессионал тиббий таълим тизимини энг яхши халқаро тажрибалар даражасида босқичма-босқич шакллантириш ҳамда тиббиёт муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлашдан иборат.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Lex.uz. ЎРҚ – 637-сон. 23.09.2020 yil.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрель Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштироқини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 7 декабрь ПФ-5590-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 16 апрель ПҚ-4290-сонли Қарори
9. Богословский И.В., Писарева С.А., Тряпицына А.П. Академическая мобильность: реализация в Болонском процессе: Метод. пособие для студентов. — СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И.Герцена, 2007. — 55 с.

**Электрон таълим ресурслари:**

10. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
11. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)